



СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ

Газета
1918 йил 21 июндан
чиқа бошлаган

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети,
Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

№ 90 (20. 058) • 1988 йил 17 апрель, • якшанба • Баҳоси 3 тийин.

Коммунистлар! Совет Иттифоқи меҳнаткашлари!

КПСС XXVII съезди йўлини сабот билан амалга

оширингиз! Бутуниттифоқ XIX партия

конференциясини Ватан бахт-саодати йўлидаги

меҳнат муваффақиятлари билан нишонлайлик!

КПСС Марказий Комитетининг 1988 йил 1 Май ЧАҚИРИҶЛАРИ

1. Яшасин меҳнаткашларнинг Халқаро Бирдамлик кун — 1 Май!
2. Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!
3. Маркс-Энгельс-Лениннинг буюк революцион таълимоти абадий яшаб, ривожланаверсин!
4. Ленинчи большевиклар, партия, уруш ва меҳнат ветеранларига, социализм тантанаси, Ватанимизнинг озодлиги ва мустақиллиги учун барча қурашчиларга умумхалқ меҳр-муҳаббати ва абадий шон-шарафлар бўлсин!
5. Уроқлар! Бутун кучни жамиятни қайта қуришга, демократиялашга ва туб иқтисодий ислохотга сарфлайлик!
6. Коммунистлар! Партия ташкилотларининг жанговарлигини қатъият билан оширингиз! Шахсий намуна, халқ бахт-саодати йўлидаги астойдил ишингиз билан партиянинг обрў-эътиборини оширингиз! Қайта қуришнинг революцион принципларини қарор топтириш учун қурашингиз!
7. Коммунистлар! Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! КПСС XXVII съезди йўлини сабот билан амалга оширингиз! Бутуниттифоқ XIX партия конференциясини Ватан бахт-саодати йўлидаги меҳнат муваффақиятлари билан нишонлайлик!
8. Советлар мамлакатининг меҳнаткашлари! Социалистик Ватанинг иқтисодий қудратини кучайтирингиз! «Хар кимдан — қобилиятига яраша, хар кимга — меҳнатига яраша!» деган принципни ҳамма жойда қарор топтирингиз!
9. СССР граждандари! Кўп миллатли буюк Ватанимиз куч-қудратининг манбаи — эркин мамлакатдаги эркин халқларнинг иттифоқи ва қардошлигини тинимсиз мустаҳкамлангиз!

10. Яшасин хар бир халқнинг миллий ифтихори ва қадриятини социалистик жамият интернационализи билан бирлаштирувчи совет ватанпарварлиги!
11. Ишчилар ва колхозчилар! Хўжалик юртишнинг янги методларини, меҳнатни ташкил этиш ва рағбатлантиришнинг илғор формаларини дадил ўлаштирингиз! Илғорлар тажрибасини, иқтисодий билимларини эгаллангиз!
12. Совет Иттифоқи граждандари! Узаро талабчанлик ва шахсий масъулиятни кучайтирингиз, танқид ва ўз-ўзини танқидни, демократия ва ошкораликни авж олдиригиз!
13. Меҳнаткашлар! Ижтимоий ўз-ўзини бошқаришнинг қатъиян қарор топтирингиз, бюрократизм ва консерватизмга, истемолчилик ва тайёрга айёрликка қарши қурашингиз!
14. Агротранспорт комплекси ходимлари! Озиқ-овқат программасини бажариш учун зўр ғайрат билан қурашингиз! Изчил кооперация ва хўжалик ҳисоби асосида ишлаб чиқариш самарадорлигини оширингиз!
15. Уроқлар! Ижодкор, изланувчан, ташаббускор, социализм мақсадларига эришни йўлида қийинчиликлардан қўрқмайдиган кишиларни хар томонлама қўллаб-қувватлангиз!
16. Совет олимлари, конструкторлари, ихтирочилари! Экономика, фан ва техниканинг жадал ривожлантирилишини, Ватан ишлаб чиқаришини юксак даражасига чиқаришни таъминловчи

фан-техника муаммоларининг новаторларча ҳал этилишига эришингиз!
17. Совет касаба союзлари! Меҳнаткашларнинг манфаатларини ҳимоя қилингиз! Социал-иқтисодий тараққиётнинг жадаллаштирилишига, хўжалик қарорларининг социал йўналиши кучайтирилишига эришингиз!
18. Комсомоллар! Йигит ва қизлар! Улуғ Лениннинг меросини эгаллангиз! Виждонан ва юксак самарали ишлашни ўргангиз! Фаол сиёсий турмушга зўр ғайрат билан қўшилигиз!
19. Ўрта ва олий мактаб ходимлари! Таълимни ижодий қайта қуригиз! Еш авлодни маълумотли, маданиятли, социализм идеалларига садоқатли қилиб тарбиялангиз! Йигит ва қизларда ташаббусни, билимлар ва изланишга чанқоқликни кучайтирингиз!
20. Маданият, адабиёт ва санъат арбоблари! Социализмнинг маънавий потенциалини бойитингиз, жамият турмушининг барча томонларини янгилашда фаол қатнашингиз!
21. Совет жангчилари! Жанговар шайлиқни тинимсиз оширингиз, маҳоратни такомиллаштирингиз, ҳарбий интизомни мустаҳкамлангиз! Социализм ғалабаларини, совет халқининг тинч, бунёдкорлик меҳнатини пухта ва ҳушёрлик билан қўриқлангиз!

22. СССР граждандари! Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш тўғрисида кун сайин ғамхўрлик қилингиз! Табиий ресурслардан оқилона фойдаланингиз!
23. Коммунистик ва ишчи партияларига Биринчи Май салони!
24. Социалистик мамлакатларнинг халқлари! Социализм ва тинчлик манфаатлари йўлида мамлакатларимизнинг қардошларча ҳамкорлиги чуқурлашиб, мустаҳкамланаверсин!
25. Жаҳон халқлари! Халқаро вазиятни соғломлаштириш, ядровий, химиявий ва оддий қурол-ярроғларни тубдан чеклаш ва камайитиришнинг реал жараёни учун қурашни кучайтирайлик! Космос ҳарбийлаштирилишига йўл қўймайлик!
26. Инсоният ҳаётидан уруш йўқолсин!
27. Барча мамлакатларнинг халқлари! Хар бир халқ, хар бир мамлакат социал ва сиёсий йўлни танлаб олиши эркинлиги учун қурашни кучайтирайлик!
28. Европа халқлари! Хельсинки ахдномаларининг қоидаларини фаоллик билан амалга оширайлик, мамлакатлар ўртасида ишонч ва ҳамкорликни мустаҳкамлайлик!
29. Империалистик эксплуатацияга, жабр-зулмга, янги мустамакочиликка қарши, озодлик ва мустақиллик учун қурашчиларга оташин салом!
30. Яшасин СССРнинг новаторларча ташқи сиёсати — ядросиз ва зўравонликсиз дунёни барпо этиш, фаол халқаро ҳамкорлик қилиш сиёсати!

ҚАЙТА ҚУРИШГА— МЕҲНАТ БАЙРАМИ

Кеча мамлакатимизда доҳиймиз В. И. Ленин туғилган куннинг 118 йиллигига бағишланган Бутуниттифоқ коммунистик шанбалиги бўлиб ўтди

• МОСКВА

«Буюк почин» ташаббускорлари — Москва Сортировочная депосининг меҳнатчилари байрам кун юксак унум билан ишладилар. Беш йиллик фондига 6 минг сўм

дан кўп маблағ топширилди. Дено коллективи В. И. Ленин юртига — Ульяновск шаҳрига, темирйўлчиларга бағишланган ишлар ҳақида меҳнат рапорти билан эстафета поезди юборишди. Москванинг барча меҳнат

коллективлари шанбаликда юксак унум билан ишлаб, топшириқларни адо этдилар. ТАСС мухбирларининг хабарларига кўра, мамлакатимизда Бутуниттифоқ коммунистик шанбалик кун кўтаринки руҳда ўтди.



Фаоллик кўрсатиб

Самарқанд уйсозлик комбинати меҳнатчилари давлат қабул талабларига мувофиқ маҳсулот сифатини яхшилаш учун қураш олиб бормоқдалар. Ўтган йили корхона цехлари реконструкция қилинди, эскириб қолган жиҳозларнинг базис қисми алмаштирилди, хом ашё мустаҳкамланди.

Моддий рағбатлантириш яхши йўлга қўйилди. Маҳсулотини биринчи тақдирда давлат қабулига топшираётган бригада аъзоларига иш ҳақида қўшимча равишда 20 процент миқдорда ҳақ тўланаётганлиги аниқсиз қувондиқлар.

Комбинатда социал-маданий ишлар кенг қўламада амалга оширилипти. Медицина пункти, кино зали, кутубхона, бошқа объектлар қурилди. Буларнинг ҳаммаси ишчи-хизматчиларнинг ўзлари бунёд этилди. 1987 йилги Бутуниттифоқ

мусобақаси якуниларига кўра, корхона КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи билан мукофотланиб, СССР Бутуниттифоқ Халқ хўжалиги ютуқлари «Иштанасининг» «Хурмат тахтаси»га ёзилди. Бу мукофот янада фаоллик кўрсатиб ишлашга даъват этаётди.

Доҳиймиз В. И. Ленин туғилган куннинг 118 йиллигига бағишланган коммунистик шанбалик ку-

Беш йиллик фондига

Қосимов бошчилигидаги бригадалар рекорд унумдорликка эришдилар. Улар бир йрим кунлик топшириқни адо этдилар.

Тула хўжалик ҳисобига ўтган экскаватор заводи коллективи мураккаб гидравлика системаси билан жиҳозланган сифат жиҳатидан ян-

ги ер қазий машинасини конвейерда ишлаб чиқаришга тайёргарлик кўрмоқда. Бундай машинани қўллаб ишлаб чиқаришга корхонадагилар катта умид боғламоқдалар. Аввало, янги машина чет элларда харидоргир бўлади, деб ҳисобламоқдалар. Демак, мунтазам ту-

(Давоми иккинчи бетда).

НОШИРЛАР БИЛАН СУҲБАТ

М. С. Горбачев 15 апрель кунини КПСС Марказий Комитетдаги ўзининг иш кабинетидан унинг «Қайта қуриш ва мамлакатимизда ҳамда бутун дунёга хос янгича фикрлар» китоби ноширларини — Америкдаги «Харпер энд Роу» нашриятининг катта вице-президенти Саймон Майкл Бессин ва Корнелия Бессини, Британиядаги «Ноллис публшерс» нашрияти ва айна вақтда «Харпер энд Роу» нашриятининг ижрочи директори Иван Чепмен ва Маржори Чепмени қабул қилди.



Суҳбат пайти.

(ТАСС—ЎзТАГ телефотоси).

Туркистон ҳарбий округининг 70 йиллигига бағишланади

Қизил Байроқ орденли Туркистон ҳарбий округи мамлакатимиздаги энг кекса округларнинг бири. Халқ Комиссарлари Советининг В. И. Ленин томонидан 1918 йил 4 май кунини имзолаган Декрети асосида ташкил топган округ шонли тарихга эга. Туркистонлик жангчилар

Урта Осиёда Совет ҳокимиятини ўрнатилган, фашистлар Германиясини тор-мор этишга, Ватанимиз жанубий чегараларини қўриқлашга катта ҳисса қўшдилар. Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставасида 15 апрель кунини очилган «Туркистон ҳарбий округи

нинг 70 йиллиги» кўرғазмасида ана шу ҳақда ҳикоя қилинади. Кўрғазма жойлаштирилган павильонда туркистонлик жангчиларнинг жасоратлари ҳақида ҳикоя қилувчи юзлаб экспонатлар ва ҳужжатлар йиғилган. Округда тарбияланган 800 дан ортиқ кишига Улуғ Ватан уруши йилларида Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони берилди, уларнинг беш нафари оса ана шу номга икки марта сазовор бўлди. Фронтчиларнинг аъналарини жангчиларнинг ҳозирги авлоди муносиб равишда қўпайтирмоқда. Округда турли

даврларда офицерлар — С. П. Козлов, В. К. Гайдуков, Е. В. Високий, А. Я. Опари, И. Н. Плосконос, Ф. И. Пугачев, Н. В. Кравченко, катта сержант А. Г. МIRONENKO, ефрейторлар А. В. Корявин ва И. В. Чмуров, оддий солдатлар Н. Я. Алфимовлар ва В. В. Орсеновлар хизмат қилишди. Улар Афғонистонда ўз интернационал бурчларини бажарганликлари учун Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонига сазовор бўлдилар. «Туркистон ҳарбий округининг 70 йиллиги» кўрғазмаси очилишига бағишланган митингга округ уруш ва меҳнат ветеранлари, Тошкент гарнизонининг жангчилари, студентлар ва мактаб ўқувчилари, жамоатчилик вакиллари келишди. Кўрғазма павильонини олдидаги майдончада округ ашула ва рақс ансамбли коллективи юбилейга махсус тайёрланган театрлаштирилган томоша кўрсатди.

Кўрғазма очилишида Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари С. У. Султонов, Ҳарбий Кенгаш аъзоси — округ сиёсий бошқармасининг бошлиғи генерал-лейтенант А. И. Овчинников нутқ сўзладилар.

Кўрғазма очилишига бағишланган маросимда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари М. Х. Холмухамедов иштирок этди. (ЎзТАГ).

миз қил ва шу боисдан
Жанубий Африка маъмури-
яларини аҳоли кўпчилигининг
демократик талабларини
қондириш орқали сиёсий
бартараф этиш йўллари-
ни астойдил излашга даъват
этамиз.

Ш. МИРСАЙДОВ,
Тошкент шаҳар ижроия
комитетининг раиси.

1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12